



## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА ЖАВОБГАРЛИҚДАН ЁКИ ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.

Рустамов Жамол Абдуманнопович

Судьялар Олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби  
Жиноят ҳуқуқи ихтисослиги тингловчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15095736>

### ARTICLE INFO

Received: 20<sup>st</sup> March 2025  
Accepted: 25<sup>th</sup> March 2025  
Published: 27<sup>th</sup> March 2025

### KEYWORDS

Жиноят қонуни,  
жавобгарликдан озод қилиш,  
мажбурлов чоралари, вояга  
етмаган шахс, суд амалиёти.

### ABSTRACT

*Вояга етмаган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликдан озод қилиш ва жазодан озод қилиш институти жиноят ҳуқуқида инсонпарварлик принципини акс эттиради. Бу институт жиноий репрессияни тежаш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадини кўзлайди. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги ва халқаро тажрибалар асосида вояга етмаган шахсларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш орқали жавобгарликдан озод қилиш механизми таҳлил қилинади.*

Вояга етмаган шахсларни жавобгарликдан озод қилиш ёки жазодан озод қилиш уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида мазкур институт судьяларга айбдор шахсларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш орқали уларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 87-моддасига мувофиқ, айрим ҳолларда вояга етмаган шахсларга нисбатан жазо тайинланмайди, балки тарбиявий таъсир чоралари белгиланади. Бу жараён жиноят содир этган вояга етмаган шахсларни жамиятга мослаштириш ва уларни ижтимоий фойдали фаолиятга жалб қилишга хизмат қилади.

Вояга етмаганларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш жиноят ҳуқуқий муносабатларнинг тугалланишини англатади, жазодан озод қилиш жиноят содир этган шахсга жиноий жазони амалда қўлламасликни фодалайди. Жазодан ёки жавобгарликдан озод қилиш институтида жиноят қонунчилигимиздаги инсонпарварлик принципи, жиноят ҳуқуқий репрессияни тежаш ва ундан мақсадли фойдаланиш ғоялари ўз аксини топган.

Мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда вояга етмаганларни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш шулар сарасига киради. Ҳукми ижросини давом эттириш эса ҳуқуқбузарни тезда жамиятга қайтариш вазифаси билан (ижтимоийлаштирув вазифаси билан) зиддиятга киришиши мумкин. Жиноий жазодан ёки жавобгарликдан озод қилиш институтининг мавжудлиги, маълум даражада, маҳкумларни ахлоқан тузалишини рағбатлантиради. Вояга етмаган шахсни жазодан озод қилиш суд

томонидан шахсни айбдор, деб топиш орқали ҳукмда жазо тайинламасдан амалга оширилади, аммо мажбурлов чораси белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 87-моддаси 2-қисмига кўра, беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятлар фақат қасддан содир этилган бўлиши лозим. Бироқ, киритилган ўзгартиришда айб шакли бўйича маълумот берилмаган. Ваҳоланки, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган унча оғир бўлмаган жиноят учун қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши назарда тутилган ва уларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва хусусияти қасддан содир этилиб қонунда уч йилдан ортиқ аммо беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги билан бир хилдир.

Мажбурлов чорасини қўлаш учун қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши керак:

- 1) жиноят содир этиш вақтида шахснинг 18 ёшга тўлмаганлиги;
- 2) унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган бўлса;
- 3) шахсни жазо чорасини қўлламастан туриб тарбиялаш мумкин бўлса;
- 4) ўз ёшига нисбатан ривожланиш даражаси анча орқада қолган бўлса ва ўз қилмишининг хусусиятини англаб етмаган бўлса. Суд вояга етмаган шахснинг ақлий ривожланганлик даражасини аниқлаш мақсадида суд-психатрик экспертизасини тайинлайди ва экспертиза хулосасига мувофиқ жиноий жазодан мажбурлов чораларини қўллаш орқали озод қилиш масаласини хал қилади. Мажбурлов чораларини қўллаб, жазодан озод қилишда суд юқоридаги шартлардан ташқари айбдорнинг шахси, жиноятнинг хусусияти (вақти, жойи, шароити, усули, айбнинг шакли, жиноятнинг мотив ва мақсади, етказилган зарарнинг миқдори)ни эътиборга олиши мумкин. Мажбурлов чоралари тузилишига кўра бир-биридан фарқланади. Ҳар бир таъсир чораси вояга етмаганларни тарбиялашда ўз хусусиятига эга.

Жиноят кодекси 88-моддасига мувофиқ мажбурлов чорасининг қуйидаги турлари мавжуд:

- 1) Суд белгилайдиган тартибда айбдор жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш.

Узр сўраш – мажбурлов чораларидан энг енгили ҳисобланади. Мажбурлов чорасининг бу тури ўз мазмунига кўра суд белгилаган тартибда жабрланувчидан узр сўрашдан иборат. Ушбу мажбурлов чораси жабрланувчи олдида суд белгилаган тартибда суд мажлисида, иш жойида, ўқув муассасасида, жабрланувчи ёки ёхуд айбдорнинг яшаш жойида манфаатдор шахслар олдида амалга оширилади. Ушбу мажбурлов чораси суд белгилайдиган тартибда айбдорга жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш назарда тутати. Бу чора мажбурлов чоралардан энг енгили булиб, вояга етмаганнинг ўз қилмишида айбдорлигини тан олиши, жабрланган га етказган зарари учун пушаймонлиги ва унга кечирим сураб мурожаат қилишидан иборат. Бу мажбурлов чораси жабрланувчи олдида суд белгилаган тартибда, суд мажлисида, иш жойида, таълим муассасаси ёки жабрланувчи ёхуд айбдорнинг яшаш жойида амалга оширилади. Суд белгилаган ҳолларда ёзма шаклда ҳам узр сўраши мумкин.

2) Етказилган зарар миқдорини қоплаш мажбуриятини юклаш.

Етказилган зарарни бартараф қилиш мажбурияти ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига ўз маблағи ҳисобидан тўлаш ёки меҳнати билан бартараф қилиш шarti билан юклатилиши мумкин. Зарарни қоплаш ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнат қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Бу мажбурлов чорасини амалга ошириш тартиби ва муддати суд томонидан белгиланади.

М.Х.Рустамбоевнинг зарарни қоплаш ва зарарни бартараф этиш тушунчаларига берган тушунтиришига кўра, зарарни қоплаш деганда, жиноят содир этиш вақтида зарар етказилган ёки сарфланган мулк ўрнига худди шундай мулкни топшириш, пул маблағлари, валюта ва бошқа қимматликларни қайтариб бериш тушунилади. Зарарни бартараф этиш деганда, зарар етказилган мулкни тузатиш, та'мирлаш ёки қайта тиклаш орқали мулкни олдинги холига келтириш тушунилади. Зарарни бартараф этиш ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнат қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Хусусан, зарарни бартараф этиш зарар етказилган мулкни та'мирлаш, жабрланувчининг ҳолидан хабар олиб уни парваришлаш ва бошқа шаклда бўлса, қўлланилади. Мазкур чора етказилган зарар вояга етмаган шахс томонидан бевосита бартараф қилиниши ёки моддий зарарни ўз маблағи ҳисобидан бартараф қилинишидан иборат. Жиноят қонунчилигида ушбу чорани қўллаш айбдорнинг ёши билан ҳамда етказилган зарарнинг энг кўп миқдори билан (белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ошиб кетмаган тақдирда) чекланган. Демак мазкур чорани белгилашда вояга етмаган шахснинг меҳнат қобилиятини, мулкий аҳволи ва мустақил даромадини, меҳнат қобилиятини (меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнатини назарда тутувчи нормаларни ҳисобга олган ҳолда) инобатга олиш керак. Мажбурлов чорасининг бу тури, мулк билан боғлиқ бўлган жиноятлар содир этилганда, судлар томонидан жиноий жазога муқобил чора сифатида қўлланилиши мумкин. Агар вояга етмаганлар томонидан аксарият ҳолларда ўзгани мулкни талон-тарож қилиш жиноятлари содир этилишини инобатга оладиган бўлсак, етказилган зарарни қоплаш тариқасидаги чорани қўллаш имконияти анча ошади.

3) вояга етмаган шахсни махсус ўқув тарбия муассасасига жойлаштириш.

Вояга етмаган шахсни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш мажбурлов чорасининг анча оғир туридир. Махсус ўқув-тарбия муассасаси девиант хулқ-атворли ўсмирларнинг хулқ атворини тузатиш ва жамиятга мослашишни қамраб олган рухий, тиббий ва ижтимоий реабилитациясини та'минлашга, шунингдек усмирлар томонидан та'лим олиши учун шароит яратиб беришга мўлжалланган. Жиноят кодекси 88-моддаси 2-қисмида вояга етмаган шахсларни махсус ўқув тарбия муассасаларида бўлиш муддати ва шартлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади, деб белгиланган ҳолос. Шу билан биргаликда Жиноят кодексида унинг минимал ва максимал муддатлари белгиланмаган. Ушбу моддада келтирилган мажбурлов чораларининг рўйхати тизим хусусиятларига эга.

Хусусан, у қатъий ҳисобланади ва унинг кенгайтирилган талқин қилинишига йўл қўйилмайди. Унда кўрсатилган чоралар эса, енгилроғидан оғирроғига қараб кетмакетликда жойлаштирилган. Шу муносабат билан вояга етмаганга қаттиқ мажбурлов чораларини фақат бир ҳолатда, 18 ёшга тўлмаган шахсга қонунда назарда тутилган

енгилроқ таъсир чоралари самарасиз бўлгандагина тайинлаш мумкин. Ёпиқ турдаги махсус ўқув тарбия муассасасида тарбиялашнинг алоҳида усуллари қўлланилади. Бу анча қаттиқ мажбурлов чораси бўлиб, тарбияси оғир ва махсус шароитдаги педагогик таъсир чоралари тадбиқ этилиши шарт бўлган вояга етмаганларга нисбатан қўлланилади. Махсус ўқув тарбия муассасасига қаттиқ педагогик режим ва махсус тарбия шароитида тарбияланиши шарт бўлган вояга етмаганлар жойлаштирилади. Вояга етмаган шахсларнинг махсус-ўқув тарбия муассасаларида бўлиши тартиби ва шароити, ўқув жараёни ва тарбиявий таъсирга оид ишни ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

Вояга етмаганларнинг махсус ўқув тарбия муассасасида бўлиш муддати содир этилган жинояти учун белгиланадиган жазонинг максимал муддатидан ошмаслиги керак. Давлат органининг вояга етмаганнинг тарбияланиши махсус ўқув тарбия муассасасида давом эттирилиши шарт эмас, – деган хулосага мувофиқ, айбдорнинг махсус ўқув тарбия муассасасида бўлиши белгиланган муддатидан олдин тугатилиши мумкин[1].

Хулоса ўрнида вояга етмаган шахсларни мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 88-моддасида турлари санаб ўтилган ва ушбу мажбурлов чораларига қўшимча равишда янги механизмни таклиф қилиш орқали вояга етмаганларни жамиятга қайтаришга хизмат қилади. Вояга етмаганларни мажбурлов чораларни қўллаган ҳолда жазодан ёки жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги норма инсонпарварлик принципини таъминлаш ва вояга етмаганлар жавобгарлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишда катта аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни қайта содир этган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахсни жазодан озод қилиш масаласини кўриб чиқиш лозимлиги асослантириб берилган.

#### Адабиётлар:

1. Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи(умумий қисм). Олий Ўқув юртлари учун дарслик.Т. : «ИЛМ ЗИЁ»2005. - 477 бет., М.Х. Рустамбоев Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот. ОТМ учун дарслик. — Т.: «ИЛМ ЗИҲО», 2010. — 400 б.